


MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

SHARQ
IJTIMOIY
FANLAR
JURNALI

ВОСТОЧНЫЙ
ЖУРНАЛ
СОЦИАЛЬНЫХ
НАУК

ORIENTAL
JOURNAL
OF SOCIAL
SCIENCES



ISSN 2181-2829

2025





THE ROLE OF GERMANY IN THE DEVELOPMENT OF THE EUROPEAN UNION'S STRATEGIES FOR CENTRAL ASIA

U.B. Biturayev

PhD, Senior Lecturer, Department of International Relations

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: Federal Republic of Germany, European Union, Central Asia, geopolitical interests, economic cooperation, energy security, regional strategy, international relations, investments, resource diversification.

Received: 25.12.25

Accepted: 26.12.25

Published: 27.12.25

Abstract: This article analyzes the significance of cooperation between the European Union and the Central Asian states in the context of changes in the global geopolitical order and growing instability in international relations. Particular attention is paid to the policy of the Federal Republic of Germany toward Central Asia, its proactive role within the European Union, and the leading importance of economic cooperation in bilateral relations. The article examines the stages of formation of relations between Germany and the Central Asian countries, the European Union's regional strategies, as well as the geopolitical, economic, and resource-based interests of the EU in the region. In addition, existing challenges in cooperation—especially the dominance of raw material-oriented economic relations and the priority of the resource factor—are critically assessed.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА СТРАТЕГИЯЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИДА ГЕРМАНИЯНИНГ РОЛИ

У.Б. Битураев

PhD, ТДШУ халқаро муносабатлар кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Германия Федератив Республикаси, Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, геосиёсий манфаатлар, геосиёсий тартиботининг ўзгариши ва халқаро муносабатлардаги беқарорлик

иктисодий ҳамкорлик, энергетика хавфсизлиги, минтақавий стратегия, халқаро муносабатлар, инвестициялар, ресурслар диверсификацияси.

шароитида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти таҳлил қилинади. Хусусан, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати, унинг Европа Иттифоқи доирасидаги ташаббускор роли ҳамда икки томонлама муносабатларда иқтисодий ҳамкорликнинг етакчи ўрни очиқ берилди. Мақолада Германия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиш босқичлари, Европа Иттифоқининг минтақавий стратегиялари, шунингдек, минтақага нисбатан геосиёсий, иқтисодий ва ресурс манфаатлари ёритилган. Шу билан бирга, ҳамкорликдаги мавжуд муаммолар, хусусан, хомашё экспортига йўналтирилган иқтисодий муносабатлар ва ресурслар омилининг устуворлиги танқидий жиҳатдан баҳоланади.

РОЛЬ ГЕРМАНИИ В РАЗРАБОТКЕ СТРАТЕГИЙ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА В ОТНОШЕНИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

У.Б. Битурев

PhD, старший преподаватель кафедры международных отношений

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Федеративная Республика Германия, Европейский союз, Центральная Азия, геополитические интересы, экономическое сотрудничество, энергетическая безопасность, региональная стратегия, международные отношения, инвестиции, диверсификация ресурсов.

Аннотация: В статье анализируется значение сотрудничества между Европейским союзом и государствами Центральной Азии в условиях трансформации мирового геополитического порядка и роста нестабильности в системе международных отношений. Особое внимание уделяется политике Федеративной Республики Германия в отношении Центральной Азии, её инициативной роли в рамках Европейского союза, а также ведущему значению экономического сотрудничества в двусторонних отношениях. Рассматриваются этапы формирования отношений между Германией и странами Центральной Азии, региональные стратегии Европейского союза, а также геополитические, экономические и ресурсные интересы ЕС в регионе. Наряду с этим проводится критическая оценка

существующих проблем сотрудничества, в частности преобладания сырьевой направленности экономических связей и приоритетности ресурсного фактора.

Кириш. Бугунги кундаги мураккаб геосиёсий вазиятда жаҳон тартиботининг ўзгариши ва халқаро муносабатлар тизимига нисбатан танқидий қарашларнинг ўсиб бориши миллий, минтақавий ва глобал даражадаги жараёнларни тартибга солиш ҳамда халқаро барқарорликка эришиш мақсадлари давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолатига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан минтақалар ва давлатлар тараққиётида ўзаро боғлиқликнинг ортиб бораётганлиги шароитида Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиш ва ривожланиш динамикаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Германия Федератив Республикаси ЕИнинг асосчиларидан бири ва ўз таъсирига эга аъзоси ҳисобланади. Германия ва Марказий Осиё давлатлари ўзаро муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик омили етакчи ҳисобланади. Германия билан ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий афзаллиги Германиядан ва у орқали Европа Иттифоқидан инвестициялар, янги технологиялар ҳамда модернизацияни жалб қилиш имкониятлари ҳисобланади. Бу йўналишдаги ҳамкорликда минтақа мамлакатларининг асосан хомашё экспортчиси бўлиб қолаётганлиги, Германиянинг эса минтақага нисбатан ресурслар манбаси сифатидаги қизиқиши сақланиб қолаётганлиги ҳамкорлик алоқаларидаги нозик нуқта сифатида кўрилади.

Германиянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатининг шаклланиши

Германия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар 1992 йилдан, мураккаб тарихий сиёсий шароитда, шаклланган. Томонлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар дастурлар ҳамда Марказий Осиё бўйича ЕИ стратегияларида ўзаро муносабатларнинг шартномавий, иқтисодий ва маданий гуманитар асослари белгилаб берилган.

Германия томонидан Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсати икки параллел йўналишда олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Биринчидан, Европа минтақавий стратегияси билан чамбарчас боғлиқ ташқи сиёсат. Германия 2007-йилда қабул қилинган ва 2019-йилда қайта кўриб чиқилган ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлди. Иккинчидан, Германия минтақада ўзининг алоҳида икки томонлама императивларини, жумладан, немис тилида сўзлашувчи озчиликларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби ўзига хос ёндашувни амалга оширмоқда. 2002-йилда

қабул қилинган Федерал ҳукуматнинг Марказий Осиёга доир сиёсий концепциясида айрим давлатлар фаркли ва индивидуал ёндашувга муҳтож эканлиги факти ҳисобга олинган .

Қуйида уларнинг ҳар иккисидаги ўзига хосликлар кўриб чиқилади.

ЕИ Марказий Осиёни ўзининг геосиёсий манфаатлари ҳудуди сифатида белгилаб, хавфсизлик, транспорт йўналишлари, энергия манбаларини диверсификация қилиш ва ресурслар таъминоти масалаларида аҳамиятини юқори баҳолайди. Россиянинг энергия ва савдо босимлари сабаб Брюссел уни четлаб ўтувчи, Европа ва Осиёни боғлайдиган самарали савдо ва энергетика йўлақларини яратишдан жиддий манфаатдор ва унинг минтақа бўйича сиёсати ҳам мазкур ва юқорида санаб ўтилган бошқа омиллар асосида шаклланган.

Маҳаллий тадқиқотчилар Ҳ.М.Юнусов, М.М.Назиров ўз монографияларида ЕИнинг Марказий Осиёдаги манфаатларини қуйидагича баҳолашади: биринчидан, Европада ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар учун минтақада диверсификацияланган истеъмол бозори мавжуд; иккинчидан, Европа Иттифоқи давлатлари Марказий Осиёдаги табиий бойликлар ва энергетика захираларининг йирик истеъмолчиси ҳисобланади. Айниқса, минтақадаги минераллар, уран ва қимматли металллар захиралари Европалик ишбилармонларни қизиқтириб келади; учинчидан, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон оралиғида жойлашган мазкур минтақа Евроосиё материгидаги геосиёсий мувозанатнинг энг нозик халқасидир. Мазкур мувозанатнинг бузилиши турли кўринишдаги стратегик таҳдидларни келтириб чиқаради; тўртинчидан, Марказий Осиё ўзининг бой тарихи, урф-одатлари, миллий ва маҳаллий ўзига хослиги, илм ва маърифатга чанқоқлиги ва бошқа хусусиятлари Европадан минтақага сайёҳлар оқимининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу минтақа яқин келажакда Европалик сайёҳлар учун “маънавий ва маданий дам олиш сихатгоҳи” ёки “релакс пласдарми” бўлиб хизмат қилиши мумкин .

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё стратегияларининг қабул қилинишида Германиянинг ҳаракатлари

Германиянинг ташқи сиёсатида илгари суриладиган асосий мақсадлар хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва барқарорлик тушунчалари ҳисобланади . Ушбу учта тушунча Германия ташқи сиёсатини белгилашда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.. Бундай муҳим мақсадни амалга ошириш учун Германия ташқи сиёсати ҳозирги даврда хорижий давлатлар ва минтақалар билан муносабатларни яхшилашдан манфаатдор. Демак, Германия 83.4 миллион аҳолиси билан ЕИ энг кўп аҳолига эга мамлакати ва Европарламентга 96 нафар депутат юбориш орқали энг кўп овозга эга . Иқтисодий ва

демографик устунлик кўп жихатдан Федератив Республикага ЕИ кун тартиби жумладан, унинг ташқи сиёсатини белгилашда катта устунлик беради. Мазкур устунлик ЕИнинг Марказий Осиё сиёсатини белгилашда ҳам катта аҳамият касб этади. Берлин минтақа давлатлари билан алоқаларини ривожлантириш тарафдори ва ташаббускори. Мутахассислар таъбири билан айтганда, Германия ЕИ ва Марказий Осиё алоқалари ривожланишининг асосий локомотиви ҳисобланади .

Германия мунтазам равишда ЕИ доирасида Марказий Осиё давлатлари билан қалин алоқалар тарафдори бўлиб келган ва мамлакат минтақанинг бешта давлатида ҳам элчихонага эга Иттифоқнинг ягона аъзосига айланган. Демак, ЕИнинг Марказий Осиё бўйича ташқи сиёсати динамикаси қуйидаги асосий босқичлардан иборат.

“Совуқ уруш” якунланиб, Совет Иттифоқининг қулаши билан ЕИ, эндиликда унинг ҳуқуқий вориси сифатида қўрилаётган, постсовет республикалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. 1992-йил 15-апрелда “Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида ўзаро англашув Меморандуми” имзоланди. 1994-йил 16-ноябрда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи ваколатхонаси Қозоғистон пойтахти – Алмати (Олмаота) шаҳрида очилди ҳамда Марказий Осиё республикалари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди . ЕИнинг МДХ минтақасига нисбатан стратегиясида дастлаб асосий восита - Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (ШХТБ) бўлган. Бу турдаги шартномалар 1995-1996 ЕИларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон билан имзоланиб, 1999 йил Иттифоқнинг барча давлатлари ва Европа Парламенти томонидан ратификатсия қилинганидан сўнг тўлиқ кучга кирган. ЕИ ва Тожикистон ўртасидаги ШХТБ 2004-йилда имзоланиб, 2010-йил ратификатция қилинган бўлса, Туркменистон билан 1998-йилда имзоланган Шартнома 2009-йилда ратификатция қилинган . Шу тариқа ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий шартномавий асослари яратилди. Марказий Осиё республикалари ЕИнинг Имтиёзлар умумий тизими бенефисиарларига айланди. Ушбу келишувлар ЕИга қўшилиш учун ҳеч қандай истикболни тақдим этмасанда, савдо муносабатларида ўзаро манфаатдорликка хизмат қилади.

Яна бир муҳим восита ЕИнинг минтақадаги сиёсатида МДХга техник ёрдам кўрсатиш (ТАСИС) дастури бўлиб, у 1992-ЕИдан ишлаб келаётган, иқтисодий ислохотларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкор мамлакатлар ўртасида сиёсий алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича турли лойиҳаларни умумлаштирувчи дастурдир. 1995-йилга келиб, ТАСИС дастури доирасида Европага давлатлараро нефт ва газ транспорти лойиҳаси (INOGATE) ишга туширилди.

2003-йилда Австрия ташаббуси билан Марказий Осиёда чегараларни бошқариш дастури (The Border Management Programme in Central Asia (BOMCA)) ишга туширилди. Бу дастур кейинчалик минтақанинг ташқи чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида ЕИ дастурига айлантирилди. Шунингдек, Марказий Осиёга гиёҳванд моддаларга бўлган талабга қарши курашишда кўмаклашиш учун Марказий Осиё гиёҳванд моддаларга қарши кураш дастури (CADAP) ташкил этилди .

ЕИнинг МДХ давлатлари билан ҳамкорлигини таъминловчи яна бир муҳим дастур Европа қўшничилик сиёсати (The European Neighbourhood Policy - ENP) дастури бўлиб у, 2004-ЕИлда ишлаб чиқилган. Дастурнинг мақсади ЕИни қўшни давлатлар билан яқинлаштириш, уч устувор йўналиш - иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик, миграция ва мобиллик соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдир. ЕИ қўшничилик сиёсати доирасидаги барча мамлакатлар муносабатларнинг ҳамма жиҳатларига бир хил даражада қизиқиш билдирмаслигини аниқлайди. Қўшни мамлакатлар ЕИ бозорига, дастурларига ва молиявий ёрдамига қулай кириш имкониятига эга бўлиши мумкин . Марказий осие давлатлари ENP доирасига кирмаса-да, ЕИ улар билан кучли ҳамкорликни ривожлантиришга интилади. Бунинг асосий сабаби уларнинг Осиё ва Европа ўртасидаги “кўприк” вазифасини ўтайдиган геосиёсий жойлашуви, энергия ресурсларига бойлиги, бозор салоҳияти ва минтақавий хавфсизликдаги муҳим ролдир .

Юқорида эслатилган турли дастурлар ва алоҳида шартномалар бўлишига қарамадан ЕИ минтақада ўзини изчил тарзда намоён қила олмади. Бунинг сабаблари қаторида Иттифоқ таркибидаги етакчи давлатларда Марказий Осиёга нисбатан ягона стратегияси мавжуд эмаслиги ва уларнинг Марказий Осиё бўйича иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатлари бир-бирдан фарқ қилишини санаб ўтиш мумкин. Бунда ички сиёсатдаги тамойиллар, геосиёсий вазият, шу жумладан, ЕИнинг Қўшма Штатлар, Россия ва Хитой билан муносабатлари каби омиллар бу сиёсатнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиб келганлигини таъкидлаш мумкин.

ЕИнинг минтақадаги сиёсатининг мақсадлари ва аниқ йўналишлари белгиланмаганлиги сабаб 2007-йилда иттифоқда раҳбарликни эгаллаган Германия иттифоқнинг Марказий Осиёга нисбатан қизиқишлар ва мақсадларни белгилаб берувчи стратегияни қабул қилишни илгари сурди, бу ЕИнинг Марказий Осиё билан муносабатларни рационализация қилиш учун зарур янги стратегияга бўлган эҳтиёж билан мос тушди . 2007-йил 21-июнда ЕИнинг Марказий Осиё билан стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги биринчи дастурий ҳужжати қабул қилинди ва у “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шерикчилик учун стратегия” деб номланди. Айнан мазкур стратегия

экспертлар томонидан Германиянинг Иттифоққа раислиги даврида қабул қилинган Остполитик (Ostpolitik – Шарқ сиёсати) сиёсатининг энг катта ютуғи сифатида баҳоланган . Ушбу Стратегия доирасида Германия 2008-йили Марказий Осиёни сув ресурсларини бошқариш масалаларида қўллаб-қувватлаш мақсадида «Берлин жараёни»ни бошлади. Ташқи ишлар вазирлиги топшириғига биноан Техникавий ҳамкорлик жамияти Марказий Осиёнинг бешта давлати ва уларга чегарадош Афғонистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича минтақавий дастурни ишлаб чиқди .

Қуйидаги тўрт сиёсий омил ЕИ нима сабабдан минтақа билан ўзининг ташқи алоқаларини ривожлантиришга интилиб алоҳида стратегия ишлаб чиққанлигини тушунишга ёрдам беради :

Биринчи, алоқалар ўрнатилганидан бошлаб ЕИнинг постсовет минтақасидаги асосий мақсади тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўлган. 2004-йилда ЕИ худудий жиҳатдан кенгайганидан сўнг Марказий Осиё унинг қўшнисига айланди. Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг Европа хавфсизлиги учун аҳамияти ошди. Иккинчи, ЕИ ўзининг шарқий қўшниларига кўпроқ эътибор бера бошлади ва охир оқибат 2009-йилда “Шарқий ҳамкорлик” дастури қабул қилди. Германия Кенгашга раҳбарликка келганидан сўнг ташқи ишлар вазири Франк-Валтер Штайнмаернинг лойиҳасига кўра, “Янги шарқий сиёсат” (Neue Ostpolitik) лойиҳаси доирасида Шарқ билан алоқаларни ўрнатиш ЕИнинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишга айланди. ЕИнинг Марказий Осиё стратегияси Германия ҳукуматида ўзининг минтақага нисбатан муносабатини ЕИ даражасигача олиб чиқишга ҳамда унинг таъсирини кучайтиришга имкон берди. Учинчи, Марказий Осиё ғарб қўшинларини ўша вақтда “Енгилмас озодлик” операцияси доирасида Афғонистонга ўтказиш бўйича стратегик худудга айланди. Минтақа давлатлари ўзларининг авиабазаларини фойдаланишга топширганликлари туфайли тўғридан-тўғри молиявий тўловларни қабул қилиб олдилар . Бундан ташқари, сиёсий алоқалар ҳам фаоллашди, бу эса минатқадаги ҳукуматларнинг халқаро миқёсда тан олинисларига ёрдам берди. Ўз навбатида, хавфсизлик бўйича вазиятнинг ёмонлашганлиги сабабли Марказий Осиё Афғонистондаги беқарорликнинг тарқалиш худудига айланиб қолиш хавфи туғилди. Хусусан, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига нисбатан ЕИнинг барча аъзо давлатлари Марказий Осиё давлатлари билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирдилар. Тўртинчи, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги бой углеводород захиралари ЕИга нефт ва газ етказиб берувчиларнинг сонини диверсификация қилишга имкониятини беради.

Юкорида эслатиб ўтилганидек, Германия мазкур стратегияни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Жумладан, стратегияни тайёрлаш учун ташқи ишлар вазири Ф.В.Штайнмаер ЕИнинг биринчи ташқи ишлар вазири сифатида 2006-йил охирида Марказий Осиёнинг барча бешта давлатига ташриф буюрди. 2007-йил март ойида ЕИ учлиги Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари билан стратегияни яқунлаш учун учрашди. Шундай қилиб, минтақа давлатлари стратегияни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар, бу эса шериклик сиёсати руҳида мақсадга мувофиқ эди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олинган позиция хужжатларни тақдим этдилар .

Ушбу ҳужжатда ЕИнинг минтақадаги муҳим манфаатлари сифатида “хавфсизлик ва барқарорликка интилиш” ҳамда “инсон ҳуқуқларига риоя қилиш” эътироф этилган ЕИнинг Марказий Осиё бўйича илк стратегиясида еттита устувор йўналишлари куйидагилар: 1) Инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, оқилона бошқарув ва демократлаштириш; 2) Келажакка инвестиция: ёшлар ва таълим; 3) Иқтисодий ривожланиш, савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш; 4) Энергетика ва транспорт алоқаларини кучайтириш; 5) Атроф-муҳит барқарорлиги ва сув ресурслари; 6) Умумий таҳдид ва чақириқларга қарши курашиш; 7) Маданиятлараро мулоқот.

Мазкур стратегия икки томонлама ҳамда минтақавий даражада амал қиладиган мавжуд воситалар орқали амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, Шериклик ва ҳамжиҳатлик тўғрисидаги битимлар (РСА), Муваққат битимлар, Савдо ва ҳамкорлик битимлари (хали кучда бўлган), 2007-2013 йилларга мўлжалланган Европа Иттифоқининг Минтақавий ёрдам стратегия хужжати ва 2007-2010 ЕИларга мўлжалланган Индикатив дастурлар, шунингдек турли тематик ёрдам дастурлари орқали ҳам, масалан, Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа инструменти (EIDHR) каби дастурлар орқали амалга оширилди .

ЕИнинг 2007-йилги стратегиясини комплекс ўрганиш ва натижаларини баҳолаш, унинг минтақадаги фаолият самарадорлиги пасайиб борганлиги кўрсатади. Бунга: биринчи, ЕИ минтақада содир бўлаётган воқеаларга нисбатан аксарият ҳолларда пассив сиёсат юритиши; иккинчи, изчил сиёсий стратегия шаклланмаганлиги ёки уларнинг амалда эътиборга олинмаганлиги ҳамда сезиларли даражада ўзгартирилганлиги; учинчи, энергетик манбаларни диверсификатсиялаш заруриятининг ҳали долзарб эмаслиги каби сабаблар кўрсатилади.

2007-йил қабул қилинган Стратегиянинг амал қилиш муддати 2013-йилга келиб тугаши тахмин қилинган эди, лекин 2015-йилда у янгиланди ва 2019-йилга қадар амалда қолди. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, 2013-йилдан 2019-йилгача бўлган даврда ЕИ минтақада бир қатор сабабларга кўра фаол бўлмади, ЕИнинг минтақага бўлган қизиқиши пасайиб борди, бунинг сабаблари: Марказий Осиёни Европага энергия ресурсларини янги етказиб берувчиси сифатида шакиллантиришдаги тўсиқлар (Россия ва Хитой омили); НАТО иттифоқчиларининг қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши минтақанинг стратегик аҳамиятининг пасайиши; минтақа давлатларининг трансформатсия жараёнларидаги чекланган ўсиш кўрсаткичлари кабилар.

Бироқ 2017-йилдан бошлаб ЕИнинг Марказий Осиёга нисбатан қарашлари бир қатор омилларга кўра ўзгара бошлади, жумладан: биринчи, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” дастури, унга кўра, Марказий Осиё ва Европани боғлашдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса Европа сиёсат ва бизнес доираларининг қизиқишини уйғотади. Иккинчи, Ўзбекистонда ҳокимиятга келган президенти Ш.Мирзиёевнинг либераллаштириш сиёсати Ўзбекистоннинг очилиш сиёсати барқарор бўлишига ва Марказий Осиё билан минтақавий ҳамкорликка имкон беришига умид уйғотди. Учинчи, 2016-йилда Европа Комиссиясининг вице-президенти ва олий раҳбари Фредерик Могерини томонидан ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича Европанинг янги глобал сиёсати (Умумий қараш, умумий ҳаракат: янада кучлироқ Европа // Shared Vision, Common Action: A Stronger Europe) нинг тақдимотидан сўнг, ЕИ ўзининг барча минтақавий ташқи сиёсий стратегияларини қайта кўриб чиқишни бошлади, бундан кўзланган асосий мақсад уларни глобал миқёсда жорий қилинган янги умумий стратегияларга мослаштириш ҳисобланади. Мазкур стратегия 2003-йилдаги “Европа хавфсизлик стратегияси” ўрнига 2016-йилда қабул қилинган Европа Иттифоқининг ташқи ва хавфсизлик сиёсати учун Глобал стратегияси негизида ишлаб чиқилиши лозимлиги кўрсатилди. Бундан ташқари, геосиёсий ландшафтнинг ўзгариши Марказий Осиёга ҳам таъсир кўрсатди. Россиянинг қўшниларига нисбатан сиёсий манфаатлари янада кўпроқ иқтисодий ўлчовларни ўз ичига олиб бораётган бўлса, Хитойнинг иқтисодий қизиқишлари эса борган сари сиёсий кўренишга эга бўлмоқда.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича 2019-йилги стратегияси. 2019-йил “Европа Иттифоқи-Марказий Осиё” стратегияси янгиланди. Гарчи бу баъзи экспертлар томонидан “янги форматдаги ЕИнинг Марказий Осиё бўйича эски стратегияси” деб таърифланган бўлса-да, аслида бу бошқа ҳужжатдир. Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Ташқи ишлар кенгашига Европа Иттифоқи Комиссияси ва Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакил томонидан 2019-йил 15-майда тақдим этилган “Европа Иттифоқи ва

Марказий Осиё: янада кучлироқ шерикчилик учун янги имкониятлар” мавзусидаги Қўшма Коммуникация ҳамда ушбу Коммуникация бўйича Ташқи ишлар бўйича Кенгашнинг 2019-йил 17-июнда эълон қилинган хулосалари Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясининг норматив-формал асосини ташкил этади. Мазкур ҳужжатларда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясининг асосий йўналишлари ва тамойиллари ўз аксини топган .

2007-йилги стратегия Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилган бўлса, янги стратегия аъзо давлатлар ўртасидаги ЕИ бўйлаб муҳокамалар, ЕИ ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги музокараларнинг бир неча босқичи, минтақадаги фуқаролик жамияти институтлари билан суҳбатлар, Европадаги олимлар ва таҳлил марказлари билан муҳокамаларга асосланган. Бундан ташқари, аввалги стратегияга қараганда, бу янги ҳужжат алоҳида минтақа давлатларининг воқелиги ва талабларига кўпроқ йўналтирилган. Европа хавфсизлик бўйича тадқиқотлар маркази эксперти Жос Бунстра фикрича, 2007-йилда қабул қилинган стратегияда асосий эътибор энергия хавфсизлигига қаратилган эди, чунки ўша вақтда бу масала Европанинг муҳим муаммоси ҳисобланган ва Марказий Осиё янги энергия импорт имкониятларини таклиф қилар эди. Аммо ҳужжат кейинчалик Марказий Осиёнинг Афғонистонда Европа (ва АҚШ) учун алоқаларни таъминлашдаги аҳамияти ҳамда Россия билан муносабатларнинг ёмонлашувига доир муносабатлар учун пухта тайёрланмаганлигини кўрсатди. Ҳозирги ҳужжат барқарорлик ҳамда фаровонлик каби икки асосий йўналишда урғу берилганидек, янги чақириқларга жавоб бериш ва имкониятлардан фойдаланиш борасида яхшироқ тайёрланган .

Янги стратегиянинг учта асосий устувор йўналиши мавжуд: барқарорлик (resilience, умумий муаммоларни олдиндан кўра олиш ва уларга жавоб қайтариш салоҳиятини ривожлантириш), фаровонлик (prosperity, иқтисодий диверсификация ва интеграция) ҳамда ҳамкорликни самаралироқ йўлга қўйиш (working better together, Марказий Осиёдаги шериклар ва Европа Иттифоқи аъзо давлатлари, шу жумладан миллий парламентлар ва фуқаролик жамияти билан). Бундан ташқари, минтақанинг умумий муаммоларини ҳал этиш мақсадида стратегия Марказий Осиё доирасида минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни тўртинчи, барча соҳаларга дахлдор устувор йўналиш сифатида белгилайди .

1-жадвал

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияларининг қиёсий таҳлили Ўхшашликлар Фарқлар

Ўхшашликлар	Фарқлар	
	ЕИ 2007 йил стратегияси	ЕИ 2019 йил стратегияси
Ҳамкорлик соҳалари:	Янги шерикликка урғу	Мустаҳкам шерикликка урғу

– Инсон ҳуқуқлари – Демократиялаштириш – Таълим – Иқтисодий тараққиёт – Энергетика ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлик – Экология ва сув ресурсларини бошқариш масалалари – Минтақавий хавфсизлик – Маданиятлараро мулоқот	бериш	бериш
	Тузилма анча кенг қамровли ва умумий.	Тузилма батафсилроқ ва аниқроқ.
	Стратегия тавсифий табиатга эга	Стратегиянинг таҳлилий табиатга эга
	Стратегияни амалга ошириш воситаларининг умумий тавсифга эга	Ҳар бир кичик бўлимда ўзига хос ташаббуслар мавжуд
	Афғонистон минтақавий хавфсизликка таҳдидлар нуқтайи назаридан устувор ҳисобланади	Янги хавфсизлик таҳдидларини (киберхавфсизлик ва бошқалар), шу жумладан ИШИДни ҳисобга олиш
Бюджет Стратегияга базавий бўлиниш билан киритилади (яъни 70% икки томонлама лойиҳалар учун ва 30% минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириш учун)	Ҳеч қандай бўлиниш кўрсатилмаган каттароқ бюджет, молиялаштириш учун устувор йўналишларни кейинги аниқлаш учун очик қолмоқда	

Ўзининг сўнгги стратегиясида ЕИнинг Марказий Осиёдаги умумий мақсади “минтақа янада барқарор, фаровон ва ўзаро боғлиқ иқтисодий ва сиёсий маконга айланиши учун Марказий Осиё давлатлари билан мустаҳкамроқ ва инклюзив ҳамкорликни йўлга қўйиш” эканлиги таъкидланган . Амалда, ЕИнинг минтақа учун учинчи қўшимча ва ўзаро боғлиқ устувор йўналиши минтақавий ҳамкорликдир.

"Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими" (КШХБ). COVID-19 пандемияси ва Россиянинг Украина ҳудудларига бостириб киришидан сўнг Брюсселда 2019-йилги стратегияни алмаштириш бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди. Ҳозирча мавжуд устуворликлар ва мавзулар ҳали ҳам долзарб эканлиги тўғрисида умумий келишув мавжуд. Бирок, ЕИ 2023-йилда стратегияга ўзига хос илова ёки вазифалар рўйхати сифатида йўл харитасини ишлаб чиқди .

Бундан ташқари бугунги кунда ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида янги авлод шартномалари шакллантирилмоқда. Моҳиятан ушбу шартномалар ЕИнинг минтақа бўйича стратегиясини тўлдирувчи воситаси ҳисобланади. Булар "Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими" (КШХБ) (инглизча: Enhanced Partnership and Cooperation Agreement — ЕРСА) — бу Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янги, юқори босқичга кўтарувчи замонавий ва кенг қамровли халқаро шартнома ҳисобланади. У 1990-йиллар охирида имзоланган эски Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар (РСА) ўрнини босади ва ҳамкорликни анча кенгайтиради.

Мазкур КШХБ 2015 йил биринчи бўлиб ЕИ ва Қозоғистон ўртасида имзоланган ва 2020 йил 1 мартда кучга кирган. Кейинчалик 2025 йил 3-4 апрелда Самарқанд шаҳрида ўтказилган биринчи ЕИ ва Марказий Осиё саммити натижасида мазкур ҳужжатни имзолаш фаоллашди. Мазкур саммитнинг Якуний қўшма декларациясида 2024 йил 25 июнда Қирғизистон билан КШХТ имзолангани, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида имзоланиши кутилаётганлиги маълум қилинди .

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШХБ/ЕРСА) 2025 йил 24 октябрь куни тантанали тарзда имзоланди. 2019 йил февраль ойида бошланган ва 2022 йил июль ойида яқунланган музокаралар натижаси бўлган ушбу ҳужжат 2022 йил 6 июл куни Брюссель шаҳрида парафирланган эди. Барча зарур тартиб-таомиллар бажарилишига бир мунча вақт талаб қилганидан сўнг имзоланиши битимнинг стратегик аҳамияти ва икки томонлама муносабатлар кўламининг кенгаётганини тасдиқлайди. Тузилма жиҳатдан 9 та бўлим, 356 та модда ва 14 та иловадан иборат бўлган ушбу келишув ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини қамраб олади .

Геосиёсий вазият таъсири. 2022-йил феврал ойида ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари муносабатларида навбатдаги бурилиш нуқтаси юз берди. Россиянинг Украинага кенг кўламли босқини туфайли минтақа давлатлари худди 2006-2009 йилларда Путин Украина ва ЕИ газ етказиб беришга таҳдид солган вазиятга ўхшаб, Россия ўрнига потенциал муқобил энергия таъминотчилари сифатида яна ЕИ эътиборини тортди. 2022-йилдан бери ЕИ минтақага муқобил транспорт йўли сифатида ва ўз иштирокини кучайтириб, давлатларнинг Россияга қарамлигини камайтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган минтақа сифатида эътибор қарата бошлади.

ЕИнинг Марказий Осиё билан сўнгги йилларда ҳамкорлик кўлами ва унинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришнинг асосий мақсадларидан бири минтақавий ҳамкорлик (минтақа давлатлари ўртасида)ни жадаллаштиришдир. Европа Иттифоқига кўра, минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё давлатларига ўзаро боғлиқликни мувозанатда сақлаб туриш, заиф томонлар ва умумий муаммоларнинг олдини олиш, иқтисодий ўсиш салоҳиятидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда халқаро муносабатлардаги таъсирини кучайтириш, мустақиллик ва ўзлигини сақлаб қолишга имкон беради .

Хулоса қилиб айтганда, ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик динамикасининг ҳозирги кўринишини ҳисобга олган ҳолда, ЕИ ва айниқса Германия минтақада янада муҳимроқ рол ўйнашга интилаётганлигини кузатиш мумкин. Бу ЕИнинг бутун дунё бўйлаб кўпроқ геосиёсий ўйинчига айланиш мақсадига мос келади. ЕИ

Марказий осие билан муносабатларига жиддий ёндашмоқда ва 2025 йил биринчи ЕИ-Марказий Осие саммити ўтказилди. ЕИ ўз интилишларини энергетика ва савдодан ташқари кенг қўламли соҳаларда аниқ ва чуқурроқ иштирок этиш орқали асослашга интилиб, бугунги кунда минтақа давлатлари билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битим (КШХБ)ларини имзоланишини ёқламоқда. ЕИ ва Германия Марказий Осиеда, энергетика хавфсизлиги ва трансформацияси, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, ўзаро боғлиқлик, минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, демократия, қонун устуворлиги ва минтақавийлаштириш соҳаларида минтақага киришнинг ноёб имкониятига эга.

Германия ЕИнинг Марказий Осиега қаратилган ёрдам ва ҳамкорлик дастурларини молиялаштиришда ҳам йирик ҳисса қўшади, сиёсий мулоқот ва дипломатик каналларни фаол ривожлантиради. Бундан ташқари, «Берлин жараёни» каби минтақавий ташаббуслар орқали ҳам Германия ЕИнинг Марказий Осиедаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнади. Шу сабабли, таҳлилчилар Германиянинг таъсирини ташкилий-сиёсий ва молиявий жиҳатдан ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида баҳолайдилар. Ўз навбатида Марказий Осие давлатлари ЕИ ва Германия билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор бўлиб, бу улар томонидан амалга оширилаётган кўп векторликка асосланган, мувозанатли ва прагматик ташқи сиёсий манфаатларига мос тушади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, от 07.02.2017 г. № DP-4947, On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan. Internet source. Access date: 08.02.2017. URL: <https://lex.uz/docs/7186952>
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, от 28.01.2022 г. № DP-60, On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022 — 2026. Internet source. Access date: 29.01.2022. URL: <https://lex.uz/docs/6968143>
3. Samuel P. Huntington (1996). The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. New York: Simon & Schuster.
4. Jürgen Habermas (1984). The Theory of Communicative Action. Boston: Beacon Press.
5. Emmanuel Levinas (1969). Totality and Infinity. Pittsburgh: Duquesne University Press.
6. Ван Гунгву. https://wiki5.ru/wiki/Wang_Gungwu
7. Mahbubani, Kishore. The Great Convergence: Asia, the West, and the Logic of One World, PublicAffairs, 2013.

8. Аксюмов Борис Владимирович. Конфликт цивилизаций в современном мире. Конфликт ЦК цивилизаций в современном мире: дис. доктор философских наук: 09.00.13 - Философия и история религии, философская антропология, философия культуры. Ставрополь. 2009. 418 с.

9. Хашеми Саид Папи. «Столкновение цивилизаций» и «Диалог цивилизаций» в современном трансформационном процессе: реальность и тенденции развития. Место теории «Столкновение цивилизаций» и «Диалог цивилизаций» в современном трансформационном процессе: реальность и тенденции развития: дис. кандидат наук: 23.00.02 - Политические институты, этнополитическая конфликтология, национальные и политические процессы и технологии. Душанбе. 2014. 171 с.

10. Zbigniew Brzezinski (1997). The Grand Chessboard. New York: Basic Books.
11. UNESCO. (Various years). Dialogue among Civilizations and Cultures.
12. United Nations. (Various reports). Intercultural and Inter-Civilizational Dialogue.